



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Севара Пулатова ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (Ғарбий Европа ва АҚШ тарихшунослиги методлари асосида).....	4
2. Дилафруз Атамуратова ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Норпулат Аҳмеджанов ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
4. С.И. Габриэлян XIX АСР ОХИРИ КОНСЕРВАТОРЛАР ДАВРИ ЭРОНИДА АНГЛИЯ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	21
5. Шахноза Касимова МУЗЕЙ КОММУНИКАЦИЯСИ БАДИИЙ ВА ЭСТЕТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСИ СИФАТИДА.....	31
6. Қобулжон Насритдинов СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ СИЁСАТИГА БЎЙИНСУНДИРИЛИШИ ТАРИХИДАН (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....	36
7. Эркин Раджапов ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҲАРБИЙ СИЁСАТИ ВА “МУСУЛМОН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИ”.....	44
8. Гавҳар Турсунова РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ЖАРАЁНИДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИ ОЛИБ БОРГАН МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	57
9. Nodira Shermatova ABU NASR FAROBİY FALSAFASIDA BILISH KATEGORIYALAR.....	70
10. Fotima Shirinova, Zumrat Kasimova MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA MA'NAVİY – MADANIY TARAQQIYOT.....	76
11. Бахтиёр Халмуратов ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК: ЭТНИК ВА ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАР.....	82
12. Xurshid Egamqulov XALQ XIZMATIGA BANSHIDA UMR (Jizzax “Milliy ittihad” sho‘basi a’zosi Orifjon Olimjonov haqida).....	86



Шахноза Алишеровна Касимова,
Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
Email: shahina9022@mail.ru

МУЗЕЙ КОММУНИКАЦИЯСИ БАДИЙ ВА ЭСТЕТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСИ СИФАТИДА

For citation: Shahnoza A. Kasimova, MUSEUM COMMUNICATION AS A METHODOLOGICAL BASIS FOR ARTISTIC AND AESTHETIC DEVELOPMENT. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 2, pp.31-35

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7680646>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада музейшунослик илми ва музей амалиётининг умумий мажмуига коммуникация тўғрисидаги тушунчанинг киритилиши, мазкур соҳага коммуникатив ёндашиш услуги, музейшуносликда коммуникацион тасаввурларнинг ишлаб чиқилиши, бадий маданият соҳасида шахснинг эстетик шаклланишида ижтимоий коммуникациянинг ўрни, замонавий музей педагогикаси тўғрисида фикр юритилади. Музей ходимлари ташриф буюрувчиларнинг музейда улар билан тарих, маданият ва замон сўзлашадиган тилни тушуниш тайёргарлиги даражасига қараб иш тутган ҳолда доимий равишда мақсадли аудиторияни шакллантириш йўллари, ташриф буюрувчилар билан мулоқот шакллари аниқ далиллар асосида илмий ёритилган.

Калит сўзлар: музей, коммуникатив муҳит, ташриф буюрувчи, коммуникацион фаолият, психология, социология, музей педагогикаси.

Шахноза Алишеровна Касимова,
Национальный институт художеств и
дизайна им.Камолиддина Бехзода
Email: shahina9022@mail.ru

МУЗЕЙНАЯ КОММУНИКАЦИЯ КАК МЕТОДОЛОГИЧЕСКАЯ ОСНОВА ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье обсуждается введение понятия коммуникации в общий комплекс музейной науки и музейной практики, стиль коммуникативного подхода к этой области, развитие коммуникативных восприятий в музейной науке, роль социальной коммуникации в эстетическом формировании личности в области художественной культуры, современная музейная педагогика. Сотрудники музея научно освещают на основе наглядных доказательств

способы формирования целевой аудитории, формы общения с посетителями, постоянно работая с ними в зависимости от уровня подготовки посетителей к пониманию языка, на котором они говорят в истории, культуре и времени.

Ключевые слова: музей, коммуникативная среда, посетитель, коммуникативная деятельность, психология, социология, музейная педагогика.

Shahnoza A. Kasimova,
National Institute of Fine Arts and design
named after Kamoliddin Bekhzad
E:mail: shahina9022@mail.ru

MUSEUM COMMUNICATION AS A METHODOLOGICAL BASIS FOR ARTISTIC AND AESTHETIC DEVELOPMENT

ABSTRACT

This article discusses the introduction of the concept of communication into the general complex of museum science and museum practice, the style of a communicative approach to this field, the development of communicative perceptions in museum science, the role of social communication in the aesthetic formation of personality in the field of artistic culture, modern museum pedagogy. The museum staff scientifically illuminate, on the basis of visual evidence, ways of forming a target audience, forms of communication with visitors, constantly working with them, depending on the level of preparation of visitors to understand the language they speak in history, culture and time.

Index Terms: museum, communicative environment, visitor, communicative activity, psychology, sociology, museum pedagogy.

1. Долзарблиги. Замонавий музей педагогикаси музей коммуникацияси муаммолари оқимида ривожланмоқда ва биринчи навбатда шахсинг ижодий қобилиятларини фаоллаштириш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган. Ташриф буюрувчилар билан алоқалардан музей таълимнинг кўп поғонали тизимини яратишга, музей ва унинг маданияти билан таништиришга ўтиш музей педагогикасининг етакчи тенденциясига айланмоқда.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси.

Маданий коммуникациянинг ўзгарган хусусияти, яъни электрон оммавий ахборот воситалари ва медиа технологияларини ривожлантириш билан боғлиқ визуал коммуникация аҳамиятининг ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, визуал воситаларни анъанавий таълим амалиётига янада кенгроқ интеграциялаш зарурати ҳақида гапириш керак. Маданий мероснинг бундай ҳаммабплиги таълим жараёнини маданият ва таълимнинг замонавий талабларига мос келадиган, янада индивидуаллаштирилган, шахсга йўналтириш имконини беради.

Музей коммуникацияси кам ўрганилган жараён бўлиб, музей ва ташриф буюрувчилар билан ишлаш асносида музей педагогик лойихаларнинг яратилиши каби жараёнларни қамраб олади.

3. Тадқиқот натижалари.

Замонавий ҳаёт суръатларининг жадаллашиб бораётган турли-туманлиги ва тезлашуви музейларни асрлар давомида шаклланган бутун музей фаолияти тизимини синовдан ўтказадиган шароитга солиб қўйди. Ижтимоий-маданий муассаса сифатида музей олдида маданий анъаналарни сақлаш асосида замонавий жамиятга интеграциялашув қийин вазифаси турибди. Музей мафкуравий парадигмаларни ўзгартиришга интилади ва бугунги кунда музейнинг ахборот модели билан бир қаторда коммуникатив модель ҳам шаклланмоқда. Маданий ва бадий коммуникациялар тизими сифатида музей модели замонавий гуманитар фанлар ва амалиётни ривожлантиришнинг долзарб йўналишларидан биридир. Оммавий маданият ва аудиовизуал коммуникация воситаларининг ортиб бораётган оқими шароитида

музейни “предметли фалсафий ва эстетик доирасида атроф-муҳитга нисбатан сифат филтри сифатида қабул қилиш мумкин[6]”.

Сўнгги пайтларда “Коммуникация” тушунчасига томошабин билан муваффақиятли ўзаро алоқаларни ўрнатиш сифатида аҳамият берилмоқда. “Коммуникация” (фр. communication – хабар, узатиш) алоқа йўли сифатида талқин қилинади. Коммуникация, албатта, қандайдир восита орқали амалга оширилади; моддий объектлар, мантикий тузилмалар, нутқ, белги тизимлари, ментал шакллар ушбу восита сифатида иштирок этиши мумкин. Коммуникация субъектлари тўғридан-тўғри алоқага кирмаганда, коммуникация матн ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Коммуникациянинг асосий хусусияти – бу субъект учун у олаётган маълумотларни тушуниш имкониятининг мавжудлигидир. Ҳар қандай коммуникация субъекти кетма-кет эмас, балки бир вақтнинг ўзида хабарни жўнатувчи ва қабул қилувчи сифатида тушунилади. Ҳозирги коммуникатив жараёнига ўтмиш ва келажакка проекциялаш киритилади[3].

Жадал ўзгараётган ижтимоий-маданий вазиятда музейларнинг назарий базасини янгилаш ва уни замонавий жамиятнинг реал талабларига мослаштириш модернизациянинг энг муҳим вазифаси сифатида иштирок этади.

Дункан Кемерон музейшунослиқда коммуникацион тасаввурларнинг ишлаб чиқувчиси сифатида, музейни ташриф буюрувчининг “реал буюмлар” билан мулоқот қилиш жараёнини ифодаловчи махсус коммуникацион тизим сифатида қарашни таклиф қилди. Коммуникацион ёндашув пайдо бўлишидан олдин музейшунослиқ тасаввурлари асосан, музей тўпламлари ва музей фаолиятини институционал ташкил этишга қаратилган эди.

Бугунги кунда коммуникацион ёндашув жаҳон музей жамоатчилигининг фикрлаш услубини белгилайдиган музейшунослиқ тафаккурининг асосий йўналишларидан бири қаторига киради. Маҳаллий музейшунослиқ адабиётида коммуникацион терминология XX асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган.

Замонавий музей педагогикаси музей коммуникацияси муаммолари оқида ривожланмоқда ва биринчи навбатда шахснинг ижодий қобилиятларини фаоллаштириш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган. Ташриф буюрувчилар билан онда-сонда ва эпизодик алоқалардан музей таълимининг кўп поғонали тизимини яратишга, музей ва унинг маданияти билан танишиштиришга ўтиш музей педагогикасининг етакчи тенденциясига айланмоқда. Музей педагогикасининг дунёқараш салоҳияти бугунги кунда таълим жараёни назариётчилари ва амалиётчиларини жалб қилаётган асосий нуқтага айланмоқда.

Маданий коммуникациянинг ўзгарган хусусияти, яъни электрон оммавий ахборот воситалари ва медиа технологияларини ривожлантириш билан боғлиқ визуал коммуникация аҳамиятининг ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, визуал воситаларни анъанавий таълим амалиётига янада кенгроқ интеграциялаш зарурати ҳақида гапириш керак. Маданий мероснинг бундай ҳаммабоплиги нафақат болаларнинг янги билимларни ўзлаштириш самарадорлигини оширади, балки таълим жараёнини маданият ва таълимнинг замонавий талабларига мос келадиган, янада индивидуаллаштирилган, шахсга йўналтириш имконини беради.

Бадий маданият соҳасида шахснинг эстетик шаклланишида ижтимоий коммуникация сифатида таърифланадиган бадий коммуникация алоҳида аҳамиятга эга. Бадий коммуникациянинг асосий таркибий элементлари сифатида мос равишда ёзувчи, рассом, ҳайкалтарош, меъмор, бадий асар (тасвирий, мусиқий, меъморий ва ҳ.) ва аудитория (ўқувчи, тингловчи, томошабин) иштирок этади. Ўз навбатида, бадий маданият тарихи – бу ижтимоий замон ва маконда турли даврлар, халқларнинг маданий ва бадий мазмунларининг ҳаракати тарихидир.

Демак, бадий коммуникациянинг энг муҳим бўғини сифатида маълум бир мажозий ва ҳиссий мазмунни ўз ичига олган санъат асари иштирок этади. Одамларнинг кайфияти, фикрлари, психологик кўрсатмалари охир-оқибат, хатти-ҳаракатлари ва фаолиятида объектив ижтимоий воқеликка қайтади.

Музей коммуникацияси борасидаги тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинар экан, музей коммуникациясининг асосий моделлари ажратиб кўрсатилади:

- билиш модели – экспонатни объект ёки ташриф буюрувчи ва музей ходими ўртасидаги мулоқот мазмуни сифатида ўрганеди. Мулоқот жараёни диалогик ёки монологик характерга эга бўлади;
- эстетик модел – музей экспонатини бевосита мулоқотнинг ўз-ўзидан аҳамиятли объекти сифатида кўради. Бугунги кунда инсонга ахборот юкланиши минимал бўлиб бормоқда, эстетик идрок эса, аксинча, коммуникация воситасидир;
- белгили модел – ижтимоий-тарихий мазмундаги белгилар тўплами ва бошқа даврлар маданияти билан мулоқот қилиш воситаси бўлган экспозицияларда акс этади;
- диалог модели – музейни маданий ва ижтимоий ҳаёт маркази сифатида кўради. Айнан ташриф буюрувчилар ўртасида юзага келадиган диалог жамиятда мавжуд бўлган турли маданий қадриятли кўрсатмаларни аниқлашга ёрдам беради;
- коммуникацион моделдаги мулоқот фаолиятнинг энг муҳим соҳасига айланмоқда.

Шу тариқа, музейда маълумотларни узатиш жараёни нафақат сигнал ва экспозицион майдонда тақдим этилган, маданиятда мавжуд бўлган кодлар билан, балки шахсда мавжуд бўлган маданий билим, шахсий тажриба ва қадриятлар тизими билан ҳам белгиланган. Мулоқотнинг муҳим вазифаси – тескари алоқани ўрнатиш ва санъатни тушунишнинг тушунчавий ёки интуитив даражасига эришишдир.

Музей адабиётида ташқи коммуникациянинг куйидаги даражалари ажратиб кўрсатилган[5]:

- экспозицион мажмуа ва ташриф буюрувчи-талқинчи ўртасидаги коммуникацион алоқа даражаси ташриф буюрувчига музей маконини “ўқишни” тақлиф қилади. Музейда ташриф буюрувчи фаол роль ўйнайди, аммо музей маконини англаш ва ташриф буюрувчини идрок этишга тайёрлаш учун мутахассиснинг ёрдами талаб этилади;
- ташриф буюрувчи ва профессионал талқинчи ўртасидаги коммуникацион алоқа даражаси юқоридаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиб, музейнинг таълим фаолияти – ахборот ва таълим бериш, ижодкорлик, мулоқот ва ижодкорликни ривожлантириш йўналишларида амалга ошириладиган жараёнларни амалга оширишга қаратилган;
- ташриф буюрувчи ва социолог-тадқиқотчи ўртасидаги коммуникацион алоқа даражаси ҳар бир ташқи даражанинг таркибий қисми бўлиб, музей майдонида ўзаро таъсирнинг амалий технологияларини малакали ривожлантириш учун аудиториянинг қадриятларга йўналганликлари ва маънавий эҳтиёжларини ўрганиш билан боғлиқ.

4. Хулосалар.

Коммуникатив фаолиятнинг самарадорлиги таълим ва умуман маърифий йўналишига эга бўлган турли музей тадбирларини ўтказишни оширади. Музейдаги коммуникатив жараённинг якуни “музей ва томошабин ўртасидаги воситачилар жамоаси” билан боғлиқ, музей макони эса унинг асосидаги мазмун ва маъноларни долзарблаштириш жараёнида ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Музей коммуникацияси музейнинг бадий асарлар ва музей предметлари билан тақдим этилган таълим маконида маданий маълумотларни узатиш ва алмашиш жараёни, бир-бирини тушунишга эришиш воситаси сифатида қаралади. “Санъат тили” эса рамзий муҳит сифатида иштирок этади. Бу эса музей ишини замон билан ҳамнафас ривожланишнинг натижасидир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Волькович А.Ю. Модель музейной коммуникации в концепции зарубежных музеологов// Музей в современной культуре: сб. науч. тр. Т. 147. СПб.: СПбГАК, 1997. С. 69–73. (Volkovich A.Yu. The model of museum communication in the concept of foreign museologists/Museum in Modern Culture. T. 147. SPb.: Spbgak, 1997. P. 69-73.).

2. Гнедовский М.Б., Дукельский Ю.В. Музейная коммуникация как предмет музееведческого исследования // Музейное дело: музей – культура – общество: сб. науч. тр. М., 1992. С.16–18. (Gnedovsky M.B., Dukelsky Yu.V. Museum communication as a subject of museological research // Museum deal: museum - culture - society: collection of scientific tr. M., 1992. p.16-18.).
3. Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. – М.: Изд-во «Русский язык», 2001. – 856 с. (Krisin L.P. Explanatory dictionary of foreign words. M.: «Russian», 2001. – 856 p).
4. Нишанова К.С., Мухамедова М.С., Исмаилова Ж.Х. Музей ва жамият. – Т.:2015. – 198 б. (Nishanova K.S., Mukhamedova M.S., Ismailova J.H. Museum and society. - T.:2015 – 198 p).
5. Сапанжа О.С. Стратегии коммуникативных процессов современного музея. С-Пб, 2005. – 189 с. (Sapanja O.S. Strategies of communication processes of the modern museum. S-Pb, 2005. – 189 p).
6. Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика. Учебное пособие. – М.: Высш. шк., 2004. – 216 с. (Stolyarov B.A. Museum pedagogy. History, theory, practice. Textbook. - M. : Higher School, 2004. – 216 p).
7. Шляхтина Л. М. Основы музейного дела: учеб. пособие. М.: Высшая школа, 2005. 160 с. (Shlyakhtina L. M. Fundamentals of museum deal: studies. manual. M.: Higher School, 2005. 160 p.).
8. Юреньева Т.Ю. Музееведение. / Т.Ю.Юреньева – Москва: Академпроект, 2003. – 302 с. (Yureneva T.Yu. Museology. / T.Yu.Yureneva - Moscow: Akadempromekt, 2003– - 302 p.).
9. Юхневич М.Ю. Музейная педагогика: Программа курса // Музейное дело и охрана памятников культуры. — М., 1996. (Yukhnevich M.Yu. Museum pedagogy: Course program // Museum business and protection of cultural monuments. - M., 1996).
10. Юхневич. М.Ю. Я поведу тебя в музей. – М., 2001. – 205с. (Yukhnevich.M.Yu. I'll take you to the museum. - M., 2001. – 205 p).

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000